

“ДИСКУРС” ХОРИЖ ТИЛШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Дилафрұз Мадазизова Ҳабибилоевна

ФДУ, Гуманитар йұналишлар бүйічә чет тиллари кафедрасы катта ўқитуучиси

ARTICLE INFO.

Калит сүзлар: дискурс, прагматика, когнитив тилшунослық, экстралингвистик, семиотик ва лисоний хусусияттар, дискурс таҳлили.

Аннотация

Мазкур мақола замонавий тилшунослиқда оммалашиб, дунё тилшуносларининг диққат марказидан ўрин олган “дискурс” ва тилшуносларнинг унга берган таърифлари ҳакида сүз юритилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Замонавий тилшунослиқда янги йұналишлар сифатида тан олинған прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири бўлған дискурс масаласи дунё тилшуносларининг диққат марказидан ўрин эгаллаб келмоқда. Уларнинг эътиборидаги долзарб муаммоларидан бири тилнинг қатламларида намоён бўлаётган дискурс ва унинг чин маънодаги лисоний, ижтимоий, маданий, семиотик хусусиятларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, бугунги кунда тил, адабиёт, ҳамда ижтимоий-маший соҳаларда учрайдиган дискурснинг қўлланиш доирасини тадқиқ қилиш кенг ўрганилаётган муаммолардандир.

Дарҳақиқат, дунё тилшунослигида дискурс назарияси ва унинг таҳлили оммалашиб бормоқда. У нафақат тилшунослик соҳаларига боғлиқ бўлған йұналишларда (матн тилшунослиги, психолингвистика, семиотика, компьютер тилшунослиги, таржимасунослик, риторика, лингвокультрология), балки жамиятнинг бошқа ёндош фанларининг йұналишлари (психология, фалсафа, социология, этнология, сиёсатшунослик, юриспруденция) да ҳам дискурсив таҳлилларга асосланган изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Калифорния университетида (С. Томпсон, У. Чейф, М. Митун, П. Клэнси ва бошқ.), Лос-Анжелосдаги университетида (Э. Шеглофф), Южиндаги Орегона университетида (Т.Гивон, Р.Томлин, Д.Пэйн), Европада эса Амстердам университетида (Т.ван Дейк) қилинган ишлар диққатга сазовор. Рус олимларидан Н.Д. Арутюнова, Е.С. Кубрякова, В.И. Карасик, И.П. Ильин ва бошқаларнинг тадқиқотлари ҳам шулар жумласидандир.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларига келиб жағон тилшуносларининг қизиқишлиари гапдан каттароқ бирликлар доирасига, шунингдек, уларнинг лексик ёки грамматик структурасига эмас балки уларнинг мантиқий тушунишга ёки гапларнинг бири бирига мантиқий боғланиши (coherence)га ҳам қизиқишлиари тобора орта бошлади. Уларнинг қизиқишлиари самараси тилшунослиқда янги атама ёки соҳани кириб келишига замин яратди, яъни “дискурс” атamasи намоён бўлди.

Дискурс (франц. *discourse*; ингл. *discourse*; лот. *discursus*; орқа-олдига югурмоқ; айланматақрорланувчи ҳаракат; сұхбат; нұтқ) – экстралингвистик-прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа омиллар билан бойитилган изчил матн; воқеага боғлиқ баҳоланган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қабул қилинган одамларнинг ўзаро таъсири ва улар онгининг механизмлари (когнитив жараёнлар)нинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган

нүтк. Дискурс – «ҳаётга чўмган» нутқ. Шунинг учун «дискурс» атамаси, «матн» атамасидан фарқли ўлароқ, жонли ҳаётга бўлган алоқалар бевосита тикланмайдиган қадимги ва бошқа матнларга нисбатан қўлланилмайди, дейилади энг кенг тарқалган таърифларда.[4].

Гарчи бу атаманинг тилшуносликда намоён бўлиши 1970- 1980 йилларга мувофиқ келсада унинг этимологияси 1950 йилларга бориб тақалади. Чунки бу 1950-йиллар бошида америкалик тилшунос З. Харриснинг (“дискурс” га берилган сўнги таърифлардан анчагина фарқ қилсада) гапдан каттароқ матн парчасини дискурс деб атаганлиги унинг “Discourse analyses” номли китобида келтирилган.[9]. Орадан бир оз вакт ўтгач, тахминан 70- йилларга келиб Э. Бенвенист - француз тилшуноси ҳам бу атамадан мулоқот жараёнида нутқни ифодалаш учун ишлатган. [2]. Лекин бир қанча дунё тилшуносларининг бу соҳада олиб борган тадқиқотлари натижаси бу атама, яъни “дикурс” (“дискурс таҳлили”) фанини янада шаклланишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, дискурснинг умумий тавсифи ҳамда хусусий кўринишларига доир илмий изланишларнинг энг кам сираси таҳлили ҳам бу борадаги қарашларнинг ғоят хилма-хиллигини кўрсатди.

Масалан: Буюк француз олим, файласуф -Мишель Фуко “дискурс”га “ифодани англаш системаси” сифатида қарайди. У дискурсни оддийгина ёзма ёки оғзаки нутқ билан боғлиқ матн парчаси бўлиши мумкин дея таърифланган назарияларга эътиroz билдириб, дискурсни бошқариш учун маълум бир вазият, вазиятни ифодаловчи маъноли жумлалар системасининг шакллантирилиши ва уни тил орқали ифода усуллари билан таъминланиши ҳақида тўхталади. Унинг таърифига кўра, “дискурс”- бу тил орқали билим ишлаб чиқариш ҳақида (маълум бир вазиятда) мавжуд мазмунли баёнотларни келтириб чиқарадиган ва нутқни тартибга солувчи қоидалар ва амалиётлардан шаклланиб, нафақат бир дона гап, балки бир гурӯҳ жумлалардан иборат бўлишини таъкидлаб, дискурсни матн яратиш, билимлар объектларини белгилаб уларни нутқда ишлаб чиқиш ва тил ёрдамида ифода этиб, ана ва шу нутқни бошқариш демакдир. [12].

Нидерландиялик олим, тилшунос - Теун Ван Дийкнинг (25.04.2013) Европа Университети Санкт-Петербург талабаларига қилган маъruzасида дискурсни алоҳида фан соҳаси сифатида ўрганилиши тавсия этилади. [13]. Унинг фикрига кўра матнни тушуниш учун ҳар бир инсонда (билим) тафаккурга эҳтиёж сезилади. Матннинг мантиқий боғлиқлиги (coherence)ни ёки уни чин маънода тушуниш учун ижтимоий билимга эҳтиёж сезилишини ўзининг “Discourse and knowledge” номланган китобида кўрсатиб, ақлий структура билан бир вактда дискурс структура ҳам муҳимлигини аниқлади. Яъни, дискурсни тўлиқ тушуниш учун нафақат дискурс структурлари ёки ақлий структура, балки ижтимоий структура ҳам муҳимлигини таъкидлади. Олимнинг бу иши 3 та қисмдан иборат ва унинг ҳар бири дискурснинг муҳим аспектлари билан шуғулланади. У дискурснинг энг бошланғич қисмидан бошлаб энг илгарилланган структуралар, яъни маъно ва жамиятни ўз ичига олади. Жамият билан мулоқот қилишда ҳеч қандай қўшимча структура муҳим эмаслиги, фақатгини ақлий тафаккурнинг роли кўрсатилади. Олим буни теранроқ ўрганиш мақсадида ирқчилик ва идеолигияни ҳам ўрганиб чиқди. У ўз ишида дискурсни тунуниш ва ишлаб чиқиш учун контекстга катта аҳамият қаратди. У контекст ташқарида эмас у ҳар бир шахнинг мияси, яъни тафаккурида мавжудлигини ва ҳар бир узатилган маълумотни ҳар бир иштирокчи (субъект) ҳар хил тушуниши ва ўзини тафаккурида тушунилган контекст (маънени) ўзининг тушунчаси бўйича адресантга етказиши ҳақида таъкидлади. Олим-Теун Ван Дейк ана шу мияда ҳосил бўладиган воқеилик контекст эканлигини тушунтиради ва дискурс учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ўз фикрини шундай хуносалайди: “Дискурс – коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки оғзаки вербал маҳсули”. [3].

Яна бир хориж тилшуноси Дебора Шифрин бу тушунчага уч томонлама ёндашади. Биринчи ёндашув тилшуносликнинг формал йўналтирилган позициясидан дискурсни шунчаки гап ёки сўз бирикмаси даражасидан юқорида туради деб ҳисоблайди - “language above the sentences or above the clause”. Иккинчи ёндашувида дискурсга “the study of discourse is the study of any aspect of

language use”, “тилнинг турли-туман ишлатилиши” сифатида функционал таъриф беради. Бу ёндашуви у тилнинг кенг ижтимоий-маданий контекстдаги вазифасини ўрганишни назарда тутади. Учинчи ёндашувида эса шакл ва функциянинг ўзаро харакатини таъкидлайди: “дискурс-баёнотлар (фикрлар)” - “discourse as utterances”. Бу таърифга кўра дискурс “тапдан каттароқ” бўлган лисоний тузилмаларнинг ажратиб олинган примитив йиғиндиси эмас, балки тил ишлатилишининг функционал ташкил қилинган, контекстуаллашган бирликларининг мажмуудир”, дея таърифлайди. [7].

Тилшунос А. Е. Кибрик дискурсга: “Коммуникантларнинг онгини ўз ичига олган коммуникатив вазият ва мулоқот жараёнида яратилган матн”[6], Б. И. Красик :“Дискурс” – мулоқот вазиятига чўмган матн”[5] , Н. Д. Арутюнова: “Дискурс – воқеа жиҳатдан олинган экстралингвистик, прагматик ва бошқа омиллар билан бирлаштирилган изчил матн” [1], В. Е. Чернявская эса: “Дискурс – муайян когнитив ва типологик тарзда шартли алоқа макони амалга ошириладиган коммуникатив ҳодисадир” [9], деб баҳолайди.

Дискурс тушунчасига юқорида келтирилган тилшуносларнинг турли ёндашувларига Мишел Фуконинг дискурсга нисбатан бирилган таърифини ҳам ҳавола этмоқчиман.

Буюк файласуф, олим -Мишел Фуко “дискурс”га ифодани англаш учун етакловчи системаси сифатида қарайди. У дискурсни оддийгина ёзма ёки оғзаки нутқ билан боғлиқ матн парчаси бўлиши мумкин дея таърифланган назарияларга эътиroz билдиради. У дискурсни бошқариш учун маълум бир вазият, вазиятни ифодаловчи маъноли жумлалар системасининг шакллантирилиши ва уни тил орқали ифода усуллари билан таъминланиши ҳақида тўхталади. Унинг таърифига кўра, “дискурс”- бу тил орқали билим ишлаб чиқариш ҳақида (маълум бир вазиятда) мавжуд мазмунли баёнотларни келтириб чиқарадиган ва нутқни тартибга солувчи қоидалар ва амалиётлардан шаклланиб, нафақат бир дона гап, балки бир гурӯҳ жумлалардан иборат бўлишини таъкидлаб, дискурсни матн яратиш, билимлар объектларини белгилаб, уларни нутқда ишлаб чиқиш ва тил ёрдамида ифода этиб, ана шу нутқни бошқариш демакдир”[10]-дея таърифлайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Арутюнова Н. Д. Дискурс // Лингвистический энциклопедический словарь / гл. ред. В. Н. Ярцева. М., 1990. – С. 136-137; Белозерова Н. Н. Парадоксы дискурса [Электронный ресурс].
2. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 293 с.
3. Дейк Т. А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. (308 с.) – С. 46.
4. Дискурс – Языкоzнание // jazykoznaniye.ru; Дискурс. Три подхода к определению дискурса [Электрон ресурс]. URL: <http://jazykoznanie.ru/content/view/60/249/>.
5. Карасик В. И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. Науч. ст. – Волгоград, 2000. – С. 5-20.
6. Кибрик А. Е Моделирование языковой деятельности в интеллектуальных системах. – М., 1987. (280 с.) – С. 41.
7. Макаров М. Л. Основы теории дискурса.— М.: ИТДГК «Гнозис», 2003.— 280 с.
8. Моделирование языковой деятельности в интеллектуальных системах. – М., 1987. (280 с.) – С. 41.
9. Чернявская В. Е. Дискурс как объект лингвистических исследований // Текст и дискурс. Проблемы экономического дискурса: сб. науч. ст. – СПб.: С.Петербург. гос. ун-т экономики и финансов, 2001. – С. 14.
10. Фуко Мишел «Археология знания». 2012

11. Harris Z.S. Discourse Analysis // Language. 1952. No. 8. – P. 1–30
 12. <https://www.youtube.com/watch?v=mb02e2SYdGg>
 13. <https://www.youtube.com/watch?v=sxfc-WJRKEM>
- Европейский университет в Санкт Петербурге. You Tube 25 April, 2013.
14. Habibiloevna, M. D. (2022). THE CONCEPT OF "DISCOURSE" IN THE INTERPRETATION OF FOREIGN LINGUISTS. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 7, 89-92.